SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2006-yil • 27-aprel • Payshanba • 49 (27.541) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

АЗАЛИЙ ДЎСТ ВА ЯҚИН ҲАМКОР

Ўзбекистон билан яқин дўст, ишончли ҳамкор бўлиб келган мамлакатлар талайгина. Уларнинг айримлари жуғрофий, айримлари миллий-маданий яқинлик туфайли, яна бирлари муштарак тақдир боис Ўзбекистонни ўзига яқин дўст ва ҳамкор санайди.

Ҳиндистон бизга тарихан ва маънан боғланган. Бу мамлакат цивилизация бешикларидан бири бўлганини, унинг қадимий фалсафаси ва бой маданиятини дунё эътироф этган. Шу билан бирга, Ҳиндистон улуғ бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодлари ҳукмронлик қилган пайтларда ўзининг олтин даврини бошдан кечирганини ҳам барча яхши билади. Бу сулола ҳали-ҳануз ҳинд халқининг ардоғида, Бобурийлар мероси эса Ҳиндистоннинг фахру ифтихори.

Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатлари шуниси билан ҳам диққатга сазоворки, тарих чархпалаги қай йўсинда эврилмасин, икки ўртада алоқа узилмаган. Ҳали эркимиз қўлимизда бўлмаган даврда ҳам Ҳиндистон раҳбарлари неча бор Ўзбекистонга ташриф буюргани, Тошкентда ўтадиган халқаро кинофестивалнинг энг кўп сонли ва энг ардоқли қатнашчилари ҳам шу ўлка вакиллари бўлганини ёдга олиш кифоя.

Турли замонлар синовидан ўтган, халқларимизнинг азалий дўстлигига асосланган ўзаро муносабатлар истиқлол йилларида янги давр руҳида ривожлана бошлади. Ҳиндистон Ўзбекистон билан мунтазам олий даражадаги мулоқотларни йўлга қўйган мамлакатлардан биридир. Икки мамлакат раҳбарлари Деҳлида, Тошкентда, турли халқаро ташкилотлар анжуманларида учрашган, ўзаро муносабатларга доир масалалар ва долзарб халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан 25 апрель куни Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Манмоҳан Сингх расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Дўрмон қароргоҳида 26 апрель куни олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Ҳиндистон Бош вазири Манмоҳан Сингх шоҳсупага кўтарилдилар. Икки мамлакатнинг давлат мадҳиялари янгради. Ислом Каримов ва Манмоҳан Сингх фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Маросимдан кейин Ислом Каримов ва Манмоҳан Сингхнинг яккама-якка учрашуви бошланди. Унда Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатларини янада ривожлантиришга, жумладан, сиёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий алоқаларни кенгайтиришга оид масалалар муҳокама этилди.

Ислом Каримов Ҳиндистон Бош вазирининг ташрифи олий даражадаги икки томонлама мулоқотларнинг, жумладан, ўтган йилнинг апрелида Деҳлида ўтган Ўзбекистон — Ҳиндистон саммитининг узвий давоми эканлигини таъкидлаб, ушбу изчиллик ҳамкорликни ривожлантиришга икки давлатда ҳам иштиёқ кучлилигидан далолат беришини қайд этди.

Ҳиндистон Бош вазири Ўзбекистонга такдирлаб этгани учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, ушбу ташриф ўзаро муносабатларни янги босқичга кўтаришига ишонч билдирди.

Суҳбат чоғида минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар, хусусан, терроризм ва экстремизмга қарши кураш масалаларига эътибор қаратилди. Томонлар ушбу мавзу муҳокамаси чоғида ҳарбий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Ислом Каримов ва Манмоҳан Сингх терроризмга қарши кураш бўйича қўшма ишчи гуруҳи фаолияти такомиллашиб бораётганини қайд этдилар. Бу гуруҳ ўтган йил охирида Деҳлида мажлис ўтказган эди. Яқин кунларда Тошкентда унинг навбатдаги йиғилишини ўтказиш режалаштирилган.

Афғонистондаги вазият ҳам муҳокама қилинди. Ушбу мамлакатда барқарор тинчлик ўрнатилишидан икки томон ҳам бирдай манфаатдор. Зеро, Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида Эрон транспорт коммуникацияларидан фойдаланган ҳолда Афғонистон ҳудуди орқали қулай ва арзон савдо йўли ишга тушса, бу улкан минтақалар ва катта бозорлар ўртасидаги алоқаларни кучайтиради.

Ўзбекистон Президенти ва Ҳиндистон Бош вазири иштирокидаги икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокарасида ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи таҳлил этилди. Томонлар аввалги саммитларда, жумладан, Ислом Каримовнинг 2005 йил апрель ойидаги Ҳиндистонга давлат ташрифи чоғида имзоланган келишувларни ҳаётга татбиқ этишнинг боришини кўриб чиқиб, бу ҳужжатларда белгиланган мақсадларга эришишнинг муайян чора-тадбирлари юзасидан фикр алмашдилар.

Айни пайтда савдо ва сармоя соҳасидаги алоқаларни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Жумладан, тоғ-кон, нефть-газ, энергетика, тўқимачилик ва ипакчилик саноатида, қишлоқ хўжалиги ва юқори технологиялар соҳасида сармоявий ҳамкорликни фаоллаштириш ва янги қўшма корхоналар очиш имкониятлари муҳокама қилинди.

Музокарада фан-таълим, шу жумладан, қўшма илмий тадқиқотлар олиб бориш ва кадрлар малакасини ошириш, шунингдек, маданият ва санъат, сайёҳлик каби соҳалардаги ҳамкорлик кўламини кенгайтириш масалалари ҳам муҳокама этилди.

Музокаралар ниҳоясида Ўзбекистон Республикаси билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида Қўшма баёнот қабул қилинди. Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида Тошкент шаҳрида Ўзбекистон — Ҳиндистон тадбиркорликни ривожлантириш марказини ташкил этиш тўғрисида англашув меморандуми, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан Ҳиндистон Нефть-газ саноати вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисида англашув меморандуми,

(Давоми 2-бетда)

ФАОЛЛИК НАТИЖАДА КЎРИНАДИ

ДЕЙИШДИ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ АНДИЖОН ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ПЛЕНУМИ ҚАТНАШЧИЛАРИ

Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгаши раиси Набижон Маъмуров «Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши партия ташкилоти томонидан 2005 йилда амалга оширилган ишлар ҳамда партия Марказий Кенгаши IV Пленуми қарорларидан келиб чиқадиган навбатдаги вазифалар ҳақида», шунингдек, «Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгашининг 2005 йилдаги молиявий ҳисоботи ва 2006 йил учун партия бюджетининг асосий кўрсаткичлари тўғрисида»ги масалалар юзасидан маъруза қилди.

Маърузачи анжуман қатнашчилари эътиборини асосий мақсадга қаратди. Ўзбекистон ХДП Дастурида баён этилган мафкуравий ғоя ва мақсадларни ҳаётга татбиқ этиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарадорлигини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарордан келиб чиқиб, ишлаб чиқилган чора-тадбирлар ижросини таъминлашга қаратилган вазифаларни вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари, бошланғич партия ташкилотлари даражасида белгилаб олишдан иборат эканлигини таъкидлади.

Мамлакат аҳолисининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами Ўзбекистон ХДПнинг электорати экан, кўпроқ эл ичида бўлиб, партия мафкурасининг моҳиятини кўпчиликка етказиш учун ташвиқот-тарғибот ишларини янада кучайтириш зарурлигини айтиб ўтди. Кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларнинг манфаатларини қатъий ҳимоя қилиш уларнинг партияга бўлган ишончини мустаҳкамлайди.

Айни пайтда вилоятдаги партия ташкилотлари партия электоратини ўрганиш, уларнинг талабларини қондириш, имкон қадар оғирини енгил қилишга киришди. Доимий фаолият билан биргаликда партия Дастурини тарғибот қилиш, аҳолига партиямизнинг улар манфаатини ҳимоялашга қаратилган мафкурасини тушунтириш ишлари ҳам жадал олиб бориляпти.

Партия аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказиш жараёнида, жамоатчилик қабулхоналарида фуқароларга партиямизнинг фаолияти, мақсад ва ғоялари содда, лўнда тушунтирилянти. Натижада биздан ёрдам сўраб мурожаат қилувчилар, партия фаолиятини янада жонлантириш бўйича таклифлар айтаётганлар ва ЎзХДП сафига кириш истагини билдираётган фуқаролар сони ортяпти.

— Илк ижобий натижаларга маҳлиё бўлмаслигимиз керак, — деди маърузачи. — Ҳали бажарилиши зарур бўлган ишларимиз кўлами катта. Маълум натижаларга эришганимиз яхши. Лекин партия ташкилотларининг барчаси ҳам бирдек фаол ҳаракат қилмоқда, ҳамма ишлар кўнгилдагидек кетяпти, деб бўлмайди. Баъзи соҳаларда сусткашлик мавжуд. Партия аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказиш жараёни секин кечмоқда. Ҳозиргача умумий партия аъзоларининг 40 фоизи қайта рўйхатдан ўтказилди.

Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгаши раисининг масалалар моҳиятига холис, принципиал ёндашуви музокаралар қизғин ўтишига йўл очди. Кўпчилик кўнглидагини очиқ айтиб, таклифлар билдиришди.

Аминжон СОЛИЕВ, «Шаҳидлар хотираси» жамғармаси вилоят бўлими раиси:

— Партиямиз мафкурасининг моҳиятини халққа етказишда ҳамкорликда ишлаш фойдали. Айни чоғда Хотира ва Қадрлаш кунига ҳозирлик кўряпмиз, жойларга боряпмиз. Бизга ҳамроҳлик қилаётган партия фаоллари билан биргаликда жойлардаги учрашувлар, суҳбатлар давомида партиямиз янги Дастури, унинг мафкурасидан фуқароларни хабардор қилишга ҳаракат қиляпмиз. Ўйлайманки, бу саъй-ҳаракатларимиз тарафдорларимиз кўпайишига замин яратади.

Бугунги пленумда билдирилган таклиф-мулоҳазалардан хулоса чиқариб, янада жонкуярлик билан ишлашга ҳаракат қиламиз.

Асадилло ҚОДИРОВ, Ўзбекистон ХДП Бўз туман кенгаши раиси:

— Пленумда партиядошларимизнинг чин дилдан айтган фикрларидан тўлқинландим. Мафкуравий ишларни янада кучайтириш, партиявий ишни фаоллаштириш, мафкура моҳиятини оммага изчил тушунтириш борасида кўпдан-кўп таклиф-мулоҳазалар билдирилди. Энг муҳими, энди уларни амалда кўпроқ ва кенгроқ қўллай билишимиз зарур.

Пленумда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева қатнашди ва сўзга чиқди.

Пленумдан кейин ҳам партиядошларимизнинг пленум кун тартибидаги масалалар хусусида қизғин фикрлашаётганига гувоҳ бўлдим. Кўпчиликнинг фикрича, фаоллик натижа билан белгиланади.

Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: пленум ишидан лавҳалар.

Ҳурсандбек АРАББОЕВ олган суратлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

2006 йил 26 апрель куни ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, уларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалаларига бағишланган «Фуқаролик бурчи ва ҳарбий қасамёд» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Давра суҳбати қатнашчилари ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш масалалари бўйича фикр алмашишди. Ҳарбий хизматни ўташ бўйича фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ҳарбий қасамёд ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Низомининг моҳиятини тушунтириш ишларини кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Шу билан бирга, мамлакатимизда профессионал армияни шакллантириш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Суҳбат қатнашчилари ўз чиқишларида Қуролли Кучлар сафига қабул қилинган ёш ҳарбий хизматчиларга, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва халқига, мамлакатимиз суверенитети ва ҳудудий яхлитлигига содиқлик тўғрисида ҳарбий қасамёдни қабул қилиш аҳоли хавфсизлиги ҳамда тинч ҳаётини таъминлашга оид фуқаролик бурчини бажариш ҳисобланишини тушунтириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратди.

Суҳбат давомида ҳарбий қурилиш ва Қуролли Кучларни ислоҳ қилиш соҳасида қонунчиликни янада такомиллаштириш, фуқароларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, жойларда ушбу муҳим вазифани ташкил этиш ҳамда ўтказиш билан боғлиқ қонуности ҳужжатларни қабул қилиш масалалари ҳам муҳокама этилди. Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар қабул қилинди.

Давра суҳбатида Мудофаа, Адлия, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, «Маҳалла» жамғармаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари иштирок этди.

(ЎзА)

Диққат: танлов!

«ЎзХДП — 15 ЙИЛ»

Шу кунларда мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида энг улуғ, энг азиз байрамимиз — мустақиллигимизнинг 15 йиллигига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида ҳуқуқий-демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамияти барпо этишдек улкан мақсад йўлида асрларга татигулик ишлар амалга оширилди.

Мустақиллигимиз билан тенгдош бўлган Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳам жамиятда демократик тамойиллар устуворлигини таъминлаш, ижтимоий адолатни ўрнатишдек эзгу ишларга муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қилиб, ўз фаолиятини такомиллаштириб бормоқда.

Ўзбекистон ХДП ўтган вақт мобайнида қийин ва масъулиятли йўлни босиб ўтди, кўпдан-кўп тарихий, сиёсий воқеаларнинг гувоҳи, фаол иштирокчиси бўлди. Айни чоғда партия ўз йўлини, мақсад ва вазифаларини ойдинлаштириб, позициясини мустаҳкамлаб олди, ўзини мамлакатдаги сиёсий кучларнинг сўл қаноти деб эълон қилди.

Партиямизнинг кечаги ва бугунги фаолиятида хотирлаш, эътироф этишга муносиб воқеалар, ибратли тадбирлар оз эмас, албатта. Айниқса, ҳозирги шиддатли даврда, ҳаётнинг ўзи сиёсий партиялардан катта ташкилотчилик, фаоллик, қатъий позиция ва аниқ таклифлар талаб этаётган бир пайтда партиямиз ғоясига содиқлик кўрсатиб, ғайрат билан ишлаётган сафдошларимиз меҳнатлари эътироф этилса, мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлаймиз.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши партиямиз босиб ўтган йўл, унинг бугунги фаолияти, партиямиз фаоллари, депутатларимизнинг ибратли ишлари ҳақида ҳикоя қилувчи энг яхши мақола, очерк ва суҳбатлар учун **«ЎзХДП — 15 йил»** танловини ўтказишга қарор қилди.

Танловда республикамизнинг барча ижодкорлари, шунингдек, сиёсатшунослар, партия фаоллари иштирок этишлари мумкин.

Танловга юбориладиган материалларнинг энг саралари **«Ўзбекистон овози»** ва **«Голос Узбекистана»** газеталарида эълон қилинади.

Танлов муддати: 15 октябргача

Танлов ғолиблари қуйидаги совринлар билан мукофотланадилар:

1-ўрин — РАНГЛИ ТЕЛЕВИЗОР
2-ўрин — ФОТОАППАРАТ
3-ўрин — ДИКТАФОН

Шунингдек, **3 та рағбатлантирувчи мукофот** ҳам бор.

Танлов ғолиблари 2006 йил 1 ноябрда аниқланади. Улар **«Ўзбекистон овози»** ва **«Голос Узбекистана»** газеталарида эълон қилинади.

Танлов ҳайъати

Танловга юборилаётган материалларга «ЎзХДП — 15 йил» рукнини қўйишни унутманг.

Мурожаат учун телефон: 133-10-13, 133-79-14

ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА

Мамлакатнинг асосий газ ва нефть бойликлари қазиб олинаётган Қашқадарёда ҳам газлаштириш суръатлари баланд. Бироқ воҳанинг кўплаб тоғ ва тоғолди қишлоқларига қувур орқали газ олиб боришнинг иложи йўқ. Уларни суюқ газ билан таъминлаш лозим. Айни пайтда транспорт воситалари суюлтирилган газдан фойдаланаётгани туфайли эҳтиёж янада ортди. Ҳар йили камида 20 миллиард кубометр газ қазиб чиқариб, қайта ишлаётган «Шўртаннефтгаз» унитар шўъба корхонасида бу борада ибратли ишлар қилинмоқда.

Яқинда корхона иштирокида Швейцариянинг «Зеромакс» ва Буюк Британиянинг «ARCN Energo LTD» компаниялари билан ҳамкорликда барпо этилган янги қўшма корхона «Шўртангазмаҳсулот» деб номланди. Унинг низом жамғармаси 300 минг АҚШ долларига тенг бўлиб, маблағнинг фақат 25 фоизи европалик шериклар улушидир. «Шўртангазмаҳсулот» — Ўзбекистон-Буюк Британия-Швейцария қўшма корхонаси конлардан суюлтирилган газ олишни кўпайтиришга ҳисса қўшади.

Айрим ҳисоб-китобларга кўра, энг замонавий ускуналардан фойдаланиш суюқ газ ишлаб чиқаришни 2-3 баравар кўпайтириши мумкин экан. Демак, тоғли ҳудуддаги қишлоқлар аҳолисига суюлтирилган газ етказиб бериш, экспорт қилиш миқдори анча кўпаяди.

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK
KO'PLARNI TANISHADI – MUNOSIBLARNI TANLASHADI!
Tel: 120-45-01, 120-45-82, факс: 133-32-40
www.uzpsb.com e-mail: info@uzpsb.com
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» – ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР
Хизматлар лицензияланган

АЗАЛИЙ ДЎСТ ВА ЯҚИН ҲАМКОР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси билан Ҳиндистон Тоғ-кон саноати вазирлиги ўртасида геология ва минерал ресурслар соҳасида ҳамкорлик тўғрисида англашув меморандуми, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан GAIL LIMITED компанияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида англашув меморандуми, Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан Ҳиндистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўртасида 2007 йилги иш режаси, «Ўзбекенгилсаноат» давлат акционерлик компанияси билан Ҳиндистон савдо корпорацияси ўртасида англашув меморандуми, Тошкент давлат шарқшунослик институти билан Деҳли университети ўртасида англашув меморандуми имзоланди.

Икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими якунига етгач, Президент Ислом Каримов ва Бош вазир Манмоҳан Сингх оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашдилар.

Ўзбекистон раҳбари музокаралар очиқлик, ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида, ишчанлик кайфиятида ўтганини, томонлар икки томонлама муносабатларга доир кенг кўламли масалалар, минтақавий ва халқаро миқёсдаги ўзларини қизиқтирган муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашганини таъкидлади. Муҳокама этилган барча масалаларда томонларнинг фикри бир жойдан чиқканини, Ўзбекистон ва Ҳиндистоннинг кўплаб халқаро муаммоларга ёндашув ва қарашлари ўхшаш эканини қайд этди.

— Ушбу ташриф Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва икки томонлама муносабатлар ривожида муҳим воқеа бўлди, — деди Ислом Каримов. — Ўзбекистон Ҳиндистоннинг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотида кузатувчи мақоми олганини олқишлайди, ушбу мамлакат БМТнинг кенгайтирилган Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзолари сафидан жой олишини ёқлайди. Биз Ҳиндистоннинг тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилган сиёсатини тўла қўллаб-қувватлаймиз.

Мамлакатимиз раҳбари Икки томонлама ҳамкорлик бўйича қўшма комиссия ҳузурида нефть-газ ва ахборот технологиялари бўйича ишчи гуруҳларини ташкил этишга келишиб олинганини маълум қилди.

— Ҳиндистон ахборот технологиялари борасида катта тажрибага эга ва биз уни ўзлаштиришдан манфаатдормиз, — деди Ислом Каримов. — Айни пайтда Ҳиндистон нефть-газ соҳасида Ўзбекистон билан ҳамкорликдан манфаатдор.

Манмоҳан Сингх ташриф самарали кечгани ва музокаралар бой натижа билан якунланганидан мамнуният билдириб, имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Ҳиндистон халқларининг манфаатларига хизмат қилишини таъкидлади.

— Ўзаро муносабатларимиз кўп томонлама ривожланиб бораётгани бизни қувонтиради, — деди меҳмон. — Ўзбекистон Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жанубни туташтирган стратегик муҳим минтақадаги давлатдир. Биз қатор соҳаларда самарали ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз. Бугун савдо-иқтисодий муносабатларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш масалаларини муҳокама қилдик. Ўзбекистон раҳбарининг Ўзбекистон — Ҳиндистон тадбиркорликни ривожлантириш марказини ташкил этиш тўғрисидаги таклифни қабул қилганидан мамнуният изҳор этмоқчиман. Биз Ўзбекистонга энергетика соҳасидаги муҳим ҳамкор сифатида қараймиз.

Президент Ислом Каримов мамлакатларимиз Ҳиндистоннинг Техникавий-иқтисодий ҳамкорлик дастури доирасида ҳам самарали алоқаларни йўлга қўйганини таъкидлади. Маълум бўлишича, Ҳиндистон навбатдаги ўқув курслари учун Ўзбекистонга 120 кишилик ўрин ажратишга қарор қилган.

Томонлар журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарар эканлар, ушбу ташриф икки мамлакатнинг ўзаро дўстона муносабатларни ва яқин ҳамкорликни ривожлантириш йўлидаги азму шижоатини яна бир бор намойиш этишини алоҳида қайд қилдилар.

Дўрмондаги тадбирлар тугагандан сўнг Ҳиндистон Бош вазири Манмоҳан Сингх Ўзбекистон Бош вазири Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонига ташриф буюрди. Бу ерда олий мартабали меҳмон ҳурриятимиз ва порлоқ истиқболимиз рамзи бўлган «Мустақиллик ва эзгулик монументи» пойига гул қўйди.

Манмоҳан Сингх Президент Ислом Каримов ташаббуси билан бунёд этилган бу монумент Ўзбекистоннинг тинчликсевар сиёсатини, ўзбек халқининг бунёдкорлик ва фаровонлик йўлидаги эзгу интилишларини акс эттирувчи ноёб мажмуа эканлигини таъкидлади.

Шу куни олий мартабали меҳмон етук ҳинд сиёсат ва давлат арбоби Лаъл Баҳодир Шастри ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Ҳиндистон раҳбарлари аввалдан Ўзбекистонга алоҳида қизиқиш ва эҳтиром билан қараб келган. Жумладан, ушбу мамлакатнинг биринчи Бош вазири Жавоҳарлаъл Неру 1955 ва 1961 йиллари юртимизга ташриф буюрган. 1966 йилнинг январида эса ўша пайтда Бош вазир лавозимида фаолият кўрсатган Лаъл Баҳодир Шастри мамлакатимизга келган.

Манмоҳан Сингх Ўзбекистонда ушбу арбоб хотирасига бунёд этилган ёдгорлик давлатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги азалий дўстлик муносабатларининг белгиси эканлигини таъкидлади.

Ҳиндистон Бош вазири Манмоҳан Сингх Тошкент ахборот технологиялари университетига ташриф буюрди. 2004 йилнинг октябрида икки мамлакат ўртасида ушбу университет ҳузурида Ўзбекистон — Ҳиндистон Ахборот технологиялари марказини очиш тўғрисидаги меморандум имзоланган эди. Ҳиндистонлик олий мартабали меҳмоннинг юртимизга ташрифи арафасида ушбу марказни очиш лойиҳаси якунига етди ва томонларнинг келишувига мувофиқ унга атоқли ҳинд сиёсат ва давлат арбоби Жавоҳарлаъл Неру номи берилди.

Марказнинг тантанали очилишида қатнашган олий мартабали меҳмон Ўзбекистон ва Ҳиндистон кўплаб соҳаларда бўлгани каби ахборот технологиялари йўналишида ҳам алоқаларни кенг ривожлантириш салоҳиятига эга эканлигини, ҳозирги замон нуқтаи назаридан қараганда бу борадаги ҳамкорликнинг долзарблиги ошиб бораётганини таъкидлади.

Ҳиндистон Бош вазири «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида мамлакатимизда фаолият юритаётган ҳамюртлари ва ўзбекистонлик ҳиндшунос олимлар билан учрашди. Мулоқот чоғида илм-фан, маданият ва санъат намояндалари ўртасидаги алоқаларга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги ҳамкорликка оид мавзуларда сўз юритилди.

Шу билан Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Манмоҳан Сингхнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи ниҳоясига етди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА мухбири

Тошкент вилоят давлат солиқ бошқармаси томонидан ташкиллаштирилган «Ўзбекистон Республикасида солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари ва давлат солиқ идоралари фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритишни ташкил қилиш йўллари» мавзуидаги семинар-тренинг эътиборга молик. Негаки, бугунги ҳаёт солиқ хизмати билан оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамкорлиги зарурлигини кўрсатмоқда.

— Мамлакат тараққиёти, юрт ривожи йўлида солиқ хизмати ходимлари билан журналистлар ҳамкорлиги умум ишимизга фойда беради, — деди семинар-тренингни очар экан, Тошкент вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Нурмуҳаммад Эрбеков.

СОЛИҚ ХИЗМАТИ ВА ОАВ

ҳамкорлиги умум ишга фойда беради

Очиғини айтганда, ҳамма ҳам иқтисодий масалаларда етарли тушунчага эга эмас. Натижада айрим фуқаролар солиқ тўлашдан бўйин товламоқчи бўладилар. Баъзи юртдошларимиз эса била туриб мажбурий тўловлардан қочадилар.

Болалар нафақалари, кексалар пенсияси, ўқитувчи, шифокор маоши ўз вақтида берилиши, тинчлик-осойишталикни сақлаш каби хизматларга маблағ қаердан олинади? Албатта, солиқдан. Демак, фарзандларимиз таълим-тарбияси, хотиржамлигимиз сизу биз тўлашимиз шарт бўлган солиқларга боғлиқ. Бунинг учун солиқ тўловчилар маданиятини ошириш керак. Бу масалани ечишда, умуман солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни катта. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг матбуот котиби Шерзод Қудратхўжаев тарғибот-ташвиқотнинг энг таъсирчан, қулай усули — матбуот, радио ва телевидение эканлигини алоҳида таъкидлаб, бу борадаги ишларни кучайтириш бўйича ўз мулоҳазаларини билдирди.

Семинар-тренингда бир масала алоҳида таъкидланди: солиқ хизмати фаолиятини ёритиш, тўловларга «чап» бермоқчи бўлганларни кўпчилик олдида ошкор этиш ҳамда намунали солиқ тўловчиларни ибрат қилиб кўрсатишда журналистнинг касбий билими ва маҳоратига кўп нарса боғлиқ.

Равшан ШОДИЕВ

Депутат ва ҳаёт

САМИМИЙ УЧРАШУВЛАР, ОЧИҚ МУЛОҚОТЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Фахриддин Ражабов билан Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган очиқ мулоқот ва учрашувлар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди

Кейинги йиллар мамлакатимиз аҳолиси ўртасида миллий истиқлол ғоясини кенг тарғиб этиш, дунёда, ён-атрофимизда содир бўлаётган сиёсий жараёнларга нисбатан юртдошларимизда онгли муносабатни, фаол фуқаролик қарашларини шакллантириш, ёшларимизни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ХДП фракцияси аъзоси Фахриддин Ражабовнинг аҳоли, меҳнат жамоалари ва талаба-ёшлар билан бўлган учрашувлари шу масалага бағишланди.

Дастлаб, «Девори кўндаланг», «Марказ-12», «Тегирмон-1», Жаббор Азимов номли ва Улуғбек-1 маҳаллаларида бўлган учрашувда шаҳардаги мавжуд муаммолар, айрим хизмат кўрсатувчи идоралар билан аҳоли ўртасида юзага келаётган чигалликлар, бунга маҳаллий ҳокимликнинг муносабати атрофлича муҳокама этилди.

ЎзХДП вилоят кенгаши қошида фаолият кўрсатаётган Жамоатчилик қабулхонасида вилоятнинг турли ҳудудларидан келган фуқаролар билан учрашув, уларни қийнаб келаётган муаммолар ечими тўғрисида суҳбат бўлиб ўтди. Жамоатчилик қабулхонаси фаолиятини янада кучайтириш, одамлар, аҳоли орасига чуқурроқ кириб боришнинг асосий мезонлари ҳақида фикр алмашилди. Касалманд фарзандини даволатишда моддий жиҳатдан қийналиб қолган ёлғиз онага керакли идоралар орқали кўмак бериш ташкиллаштирилди.

ЎзХДП вилоят кенгаши аъзолари, партиядан маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар гуруҳининг ташаббуси билан вилоятдаги фаол аёллар иштирокида «Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамасига доир давра суҳбатида ҳам депутат Фахриддин Ражабов ўз фикр-мулоҳазалари билан иштирок этди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида яратиладиган, ўзгартиш киритиладиган муайян қонунлар бандма-банд қатъий муҳокамада бўлаётганлигини таъкидлади.

Самарқанд шаҳридаги Иқтисодиёт коллежида талаба-ёшлар ҳамда атрофдаги «Боғдод», Рудакий ва Фарҳод номли маҳаллалар аҳли, Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий маркази вилоят филиали меҳнат жамоаси билан бўлган очиқ мулоқот, учрашувлар ҳар бир иштирокчида катта таассурот қолдирди.

— Айни пайтда лойиҳаси муҳокамада бўлган «Ипотека тўғрисида»ги, «Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида»ги қонунлар халқимиз турмуш фаровонлигига катта хизмат қилади, — дейди Ф. Ражабов. — Бугунги давр шунга эҳтиёж сезди. Ишсиз фуқароларнинг манфаатларидан келиб чиқиб, барча муаммолар қонуний ҳал этилади.

Қизғин баҳс-мунозаралар асосида ўтган учрашув иштирокчиларидан айримларини суҳбатга тортдик.

Мукаррам ИКРОМОВА, нафақахўр, «Боғдод» маҳалласи:

— Биз яшаб турган маҳалладаги кўп қаватли уйларнинг юқори қаватларига сув чиқмайди. Бир неча бор тегишли идораларга бориб қониқарли жавоб ололмагандик. Депутатимиз бизга анчайин тушунча берди. Энди бу масалада кимга мурожаат этиш, муаммони қандай ҳал қилиш йўлларини биламиз.

Гулчеҳра НИЁЗОВА, Самарқанд иқтисодиёт коллежи талабаси:

— Учрашув расмиятчиликдан йироқ бўлганлиги, дилдан айтилган фикр-мулоҳазалар билан бизга маъқул бўлди. Бугун касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган ёшларни иш билан таъминлаш масаласига доир муҳим ҳужжат тўғрисида ғояларни ўйлаб юрибман, деди депутат. Бу биз ёшларни тўлқинлантириб юборди.

Шуҳрат ҚАРШИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

✧✧✧

Суратда: ХДП вилоят Кенгашида ўтказилган учрашувдан лавҳа.

Ҳусан ТЎҒИЗОВ олган сурат

САЙЛОВЛАРГА ПУХТА ҲОЗИРЛИК КЎРИЛМОҚДА

Бу йил май-июнь ойларида мамлакатимизда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтади. Шу муносабат билан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловининг ҳуқуқий асослари мавзуида амалий семинар бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси қўмиталари раислари, Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосарлари, вазирлик, ташкилот, идора раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи республика, шаҳар ва туман комиссиялари аъзолари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Семинарни Жўқорғи Кенгес раиси ўринбосари, Комиссия раиси Ғафуржон Ражабов кириш сўзи билан очди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қўмитаси раиси Акмал Саидов сўзга чиқиб, ўтказилаётган сайловнинг ҳуқуқий асослари, аввалги сайловлардан фарқлари, мазмун-моҳияти хусусида атрофлича фикр юритди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси қўмитаси раиси Бердақ Жарекеев сайловни ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар ишларини ташкил этиш масалалари хусусида маъруза қилди.

«Маҳалла» хайрия жамғармаси Қорақалпоғистон бўлими раиси Ўринбой Мадияров ишчи гуруҳлари вазифалари, «Маънавият ва маърифат» маркази раиси Улманбет Хўжаназаров ўзини ўзи бошқариш органлари роли, республика адлия вазири ўринбосари Клара Аллашева сайлов ўтказиш жараёнининг ҳуқуқий жиҳатлари каби мавзуларга батафсил тўхталдилар. Семинар ишида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Баҳодир Янгибоев иштирок этди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Тарих ва бугун

1966 ЙИЛ, 26 АПРЕЛЬ...

Тошкентнинг қоқ марказидан унчалик узоқ бўлмаган ёдгорлик — эски «Қашқар» маҳалласи ўрнида қад кўтариб турган Жасорат монументи ёнидаман... Рўпарамда тарс ёрилаётган тош — ўша куни тонг саҳар соат 05.20 да бутун шаҳарни қалқитиб уйғотган ваҳимали зилзиладан огоҳлик берувчи рамзий хотира...

Кўз олдимда ўша куни, ўша соат, ўша лаҳзаларда тутдай тўкилган бир қаватли эски пахса уйлар, қулаб қолаёзган мундайроқ иморатлар, сувоғи кўчган деворлар, синчлари синган болахоналар, кўча тўла вайрона ва хароба... Одамларнинг юзларида, кўзларида ташвиш, ёшу қари саросимада...

Ҳа, ўшанда мен йигирма ёшда эдим. 40 йил ўтибди... Ҳозир ён теграмга нигоҳ ташлайман: муҳташам «Туркистон» саройи, шаҳарнинг «олтин камари» — Бўзсув белига белбоғ бўлган паҳлавон кўприк... юқорида «Олой» бозорига кираверишнинг кунгрантор дарвозалари, унинг пойида кенг ва равон кўчаларни кесиштириб, уч қаватли транспорт ҳаракатини таъминлаётган автомагистрал ва метро йўналиши, чор атрофда бир-биридан шинам, кўп қаватли уйлар, замонавий меъморчилик иншоотлари, ям-яшил йўлаклар, сайлгоҳлар...

Дарвоқе, ёдимга тушди, яқинда бир тижоратчи танишим уч-тўрт йилча олдин Россиянинг Красноярск ўлкасига хизмат сафари билан борган чоғи ўзи гувоҳ бўлган бир воқеани ҳикоя қилиб берувди:

— Енгил машинамда эдим, — гап бошлади у. — Бир жойда тўхтаб турсам, ёши олтмишлардан ошган рус киши ёнимга югуриб келиб, «ассалому алайкум, ҳамшаҳар» деди ўзбекча равон тилда ва қувончдан ёниб турган кўзлари билан машинамнинг «Тошкент» русумига ишора қилди... Унинг шу топда юраги гўё мени эмас, узоқ муддат кўрмаган яқин бир кишиси ёки қариндошини кўргандек «жизз» этиб кетгани шундоққина юзидаги самимиятдан билиниб турарди.

— Тошкент зилзиласи пайтлари қурилишга борганман, — қисқача ҳикоя қилди у. — Ўша ерда уйландим, бола-чақали бўлдим, улар ўша ерда ўқишди... Йигирма йилча бўлди, юртимизга қайтдик... Ҳалиҳали эслайман: «Қашқар» маҳалласи, «Олой» бозори, «Эски Жўва», «Чорсу», Бешёғоч (Миллий боғни айтмоқчи!) кўли... Ҳозир бутунлай ўзгариб кетгандир-а...

Унга Тошкент ҳақида ҳикоя қилувчи рангли-безакли журналимни совға қилдим. Журналимни варақлаб, янаям ҳаяжонга тушди...

«Дарҳақиқат, бугун пойтахтимиз жамолига кўплар ҳаяжон ва ҳавас билан боқади. Оқсарой, Амир Темур музейи, «Дедеман» меҳмонхонаси, Консерватория, Вокзал, Биржа маркази, шаҳар ҳокимияти, Шаҳидлар хотираси мажмуи... қаранг, улар нақ кўзмунчоқлар тизимига ўхшайди... Ҳар бирининг ўзи бир қўшиқ... Худди қўшиқ бўлиб куйлаётгандай...

БУ НОХУШ САНАДА ЮЗ БЕРГАН ТАБИИЙ ОФАТ — ЗИЛЗИЛАГА ҲАМ 40 ЙИЛ БЎЛИБДИ...

Шууримда, мозийдан қолган фалсафий мутлоқ бир ҳақиқат чарх урмоқда: ташвишлар ўтиб кетади, қўшиқлар қолади дунёда...

Номоз САЪДУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири



Суратларда: *1966 йил, 26 апрель тонготаридан бир хотира; Мустақиллик йиллари барпо этилган бинолардан бири.*

БУЮК БРИТАНИЯ ИШБИЛАРМОН ДОИРАЛАРИ ШЕРИКЛИК ТАРАФДОРИ

Шу йил 25 апрель куни Тошкентда Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон — Британия кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

1994 йили ташкил топган Ўзбекистон — Британия кенгашининг асосий вазифаси икки томонлама иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга кўмаклашиш ҳамда Ўзбекистон ва Буюк Британия ишбилармон доирлари ўртасидаги биргаликдаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришдан иборат.

Ўтган йиллар давомида мазкур Кенгаш икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий алоқаларни чуқурлаштиришга кўмаклашувчи органга айланди. Ўзаро товар айланмасининг изчил равишда ўсиб бораётгани унинг фаолиятини акс эттирадиган аниқ далиллардан биридир. Ўзаро товар айланмасининг ҳажми ўтган йили қарийб ярим миллиард АҚШ долларини ташкил этди.

Мазкур форум ишида «Бритиш американ табако», «Оксус», «Бейкер Хьюз», «Менчант банк», «Синдикатум карбон капитал» сингари ва Британиянинг бошқа ўттизга яқин етакчи компанияси иштирок этди.

Мажлис давомида тоғ-кон, кимё, енгил, озиқ-овқат саноати, нефть-газ ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликнинг аниқ йўналишлари муҳокама этилди.

Британия томонидан кенгаш ҳамраиси Х.Бут иқтисодиёт ва ташқи савдо ўсишининг юқори суръатларини қайд этар экан, бу Ўзбекистонда Президент И.А.Каримов томонидан олиб борилаётган чуқур ўйланган тизимли ислоҳот сиёсатининг натижаси ҳисобланишини таъкидлади. Британия ишбилармон доирларининг Ўзбекистон билан шериклик муносабатларини ривожлантиришга қизиқиши ўсиб бораётгани ҳам таъкидланди.

Иқтисодий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, банк тизимининг ривожланиши мамлакат иқтисодиётини янада ривожлантиришга ҳамда хорижий сармоялар ҳажмининг кўпайишига кўмаклашиши алоҳида қайд этилди.

Британия томони нефть-газ жабҳасида, фойдали қазилмаларни ишлаш, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги ва сайёҳлик соҳасидаги ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтиришга қизиқиш билдирди.

Кенгаш мажлисида 2005 йили 10 тоннадан зиёд олтин ишлаб чиқарган Ўзбекистондаги «Амантайтау Голдфилдс» қўшма корхонасининг фаолияти самарали ҳамкорликнинг муваффақиятли намуналаридан бири сифатида тилга олинди.

Британия бизнесининг вакиллари Ўзбекистондаги сармоявий муҳитга, бу ерда бизнес олиб бориш учун мавжуд бўлган қулай шарт-шароитларга юқори баҳо бердилар.

Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон — Британия кенгаши мажлиси якунлари Буюк Британия ишбилармон доирларининг Ўзбекистон Республикаси билан савдо-иқтисодий муносабатларни кенгайтириш ва чуқурлаштиришдан манфаатдор эканлигининг ёрқин далилидир.

«Жаҳон» АА

Ҳуқуқий ислоҳот

ҲАКАМЛИК СУДИ

ТЕЗКОР ҲАМДА САМАРАЛИ ИНСТИТУТ

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ҳакамлик суди фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муқобил шакли сифатида эътироф этилади. У умумий юрисдикция судлари ва хўжалик судлари билан амалда тенг кўрилади. Лекин бизда ҳали ҳакамлик судлари хизматидан фойдаланиш ҳоллари кам учрайди.

Холбуки, НМҲ (низоларни муқобил ҳал қилиш) ва ҲС (ҳакамлик судлари) усуллари хорижий мамлакатларда аллақачон ривожланиб кетган. Масалан, АҚШда даъволарнинг 80 фоизи судда кўриб чиқишдан олдин яраштириш (келиштириш) амаллари билан ҳал қилинади. Хитой ва Японияда келиштириш амаллари азалдан конфуцийча ахлоқ моделининг табиий қисмидир. Араб мамлакатлари ўз тизимларини тузиш чоғида ҳакамлик судини асос сифатида қабул қилганлар.

Ҳакамлик суди барпо этишнинг ижобий самараси кўп. Чунончи низолар тез ва самарали ҳал қилинади, низолашувчи тарафларнинг мақлаглари тежалади.

Низони ҳакамлик судида кўриб чиқишнинг хусусияти яна шундаки, ҳакамлар судининг қарори ихтиёрий равишда бажарилади. Тарафлар низони ҳакамлик судига ошириш ҳақидаги битимни имзолар экан, суд қарори кимнинг фойдасига ҳал бўлишидан қатъи назар, уни ихтиёрий равишда ижро этиш мажбуриятини олади. Унинг ижросини таъминлаш муаммога айланмайди.

Мабодо, бу қарор ихтиёрий равишда бажарилмаса, манфаатдор тараф ҳакамлик суди қарорининг мажбурий ижроси учун бериладиган ижро варақасини сўраб ваколатли судга мурожаат қилишга ҳақлидир. Агар қарор моддий ҳуқуқ тартиб-қоидаларига зид келмаган ва низони ҳал этиш русумлари сақланган бўлса, ваколатли давлат судининг судьяси ижро варақасини бериши шарт.

Маълум бир низони кўриб чиқиш учун ҳакамлик судини тарафлар ўзаро келишган ҳолда белгилашади. Лекин низони ҳакамлик судига ошириш ҳақидаги келишувда асос бор ёки йўқлигини ҳакамлар суди мустақил равишда ҳал қилади. Ҳакамлик муҳокамасини ўтказишда тарафларнинг келишуви энг асосий, лекин ягона шарт эмас. Қонунчиликда кўзда тутилганидек, хўжалик судида кўрилиши лозим бўлган иқтисодий низогина ҳакамлик судига оширилиши мумкин.

Низони ҳакамлик судига оширишнинг яна бир шартлари шундан иборатки, бу нарса хўжалик суди низо бўйича қарор қабул қилишидан олдингина амалга оширилиши мумкин. Хўжалик суди қарор чиқарганидан кейин ҳакамлик судига мурожаат қилиш мумкин эмас.

Агар тарафлар ўртасида бошқа келишув бўлмаса, ҳакамлик суди уч судьядан иборат таркибда ташкил этилади. Ҳар бир тараф биттадан судья тайинлайди, тайинланган икки судья эса учинчи судьяни тайинлайди.

Ҳакамлик суди низоларни ҳал этиш чоғида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кучда бўлган қонунларга ва бошқа қонунчиликка, бўлак меъёрий ҳужжатларга, давлатлараро битимларга, халқаро шартномаларга асосланиб иш кўради. Қонунчиликда ёки тарафлар ўртасидаги шартномада кўзда тутилган ҳолларда ҳакамлик суди бошқа давлатларнинг ҳуқуқ қоидаларидан келиб чиқиши ҳам мумкин.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда бир нечта ҳакамлик судлари фаолият кўрсатмоқда. Буларнинг ичида энг самаралиси ҳуқуқий муаммоларни ўрганиш Маркази ҳузуридаги ҳакамлик судидир (Тошкент шаҳри). У Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ва Хўжалик-процессуал кодексларига биноан ташкил этилган ва 2002 йил 29 ноябрдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Ҳозирги пайтда ҳакамлик суди аъзоларининг рўйхати, хорижий мутахассисларни қўшиб ҳисоблаганда 40 та ҳакамдан иборат. Ушбу рўйхат Марказ томонидан 2002 йил 29 ноябрда 5 йил муддатга тасдиқланган. Тарафлар уларнинг ичидан ўзлари афзал кўрган ҳакамликни танлашлари мумкин.

Марказ ҳозирги кунгача ўнлаб ишларни кўриб чиқди. Буларнинг кўплари мураккаб масалаларга оид бўлиб, улар ҳам миллий, ҳам чет эл валютасидаги катта пул маблағлари билан боғлиқдир.

Марказ ҳузуридаги ҳакамлик суди Низомига кўра, ҳакамлик муҳокамасида қатнашаётган тарафларнинг келишувига мувофиқ фуқаролик ҳуқуқ муносабатларига оид ҳар қандай низо, агар қонунда бошқа нарса белгиланмаган бўлса, ҳакамлик судига оширилиши мумкин.

Тўғри, Ўзбекистонда ҳакамлик судларида низоларни ҳал этиш тажрибаси ҳали унча катта эмас. Қолаверса, ушбу судларнинг фаолиятини ва хўжалик судлари билан бўлган муносабатларини тартибга солувчи қонунчиликда кўпгина зиддиятлар бор бўлиб, уларни ҳал қилиш тақозо этилади. Шу кунгача мамлакатимиз ўзининг ҳакамлик суди ҳақидаги яхлитлаштирилган қонунчилигига эга эмас. Бу қонунчилик Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ва Хўжалик-процессуал кодексларидаги айрим модда ва қоидаларда акс этган эди, холос. Маълумингизки, «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳозир Олий Мажлис Қонунчилик палатаси тасдиғидан ўтиб, юқори палата — Сенатга юборилди. Ушбу қонун лойиҳаси маъқуллангандан сўнг ҳакамлик суди борасидаги кемтиклик ҳам тўлдирилади, деб ўйлайман.

Қолаверса, Ўзбекистонда арбитраж қонунчилиги ва ҳакамлик судларининг пайдо бўлиши унинг иқтисодиётига ва Умумжаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишига ижобий таъсир ўтказиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида ҳакамлик судлари ҳақида амалда бўлган қонунчиликнинг муҳим камчилиги, мутахассисларнинг фикрича шундан иборатки, унда бир томондан фуқаролар, иккинчи томондан эса ташкилотлар ёки хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи фуқаролар ўртасидаги низоларни кўриб чиқувчи ҳакамлар судини ташкил этиш ва фаолият юритиш тартиблари ишлаб чиқилмаган. Бундан ташқари, ҳакамлик суди қарорларининг мажбурий ижро этилиши масаласи ҳам ҳал этилган эмас.

Жамоатчиликни яраштирув процедураларининг имкониятлари ва уларнинг давлат судларида иш юритиш олдидаги афзалликлари ҳақида хабардор қилиш Ўзбекистонда НМҲ услубларини ривожлантиришнинг зарур шартларидан биридир. Бу йўналишда ишлар бошлаб юборилган. Шу мавзуга бағишланган семинарлар, давра суҳбатлари, анжуманлар сони ортиб бормоқда. Бироқ, жамоатчиликка маълумотларни етказиш бўйича маълум чекланишлар бор. Маълумотлар етишмаслиги ҳакамликда иш юритишнинг моҳиятини ва асосий тамойилларини тушунмасликка олиб келади. Давлат судларининг баъзи судьялари низони ҳакамликда кўриш тарафларни одил судловдан маҳрум қилади, деб ҳисоблайдилар. Айнан шу сабабли баъзида ҳакамлик суди тижоратга оид низоларни ноқонуний ҳал этиш воситаси, деган фикрлар ҳам айтилмоқда. Ҳакамлик судлари ва НМҲ ҳақида етарлича маълумотга эга бўлмаган фуқаролар ва тадбиркорлар низоларни ҳал этишнинг ягона йўли — давлат органларига мурожаат қилиш, деб ҳисоблайдилар. Лекин буларнинг барчаси нотўғри тушунча ва маълумотлардир.

Мустақил ҳакамлик судлари тизимининг ривожланиши ишларни кўришни халқаро стандартлар даражасига кўтариш имконини беради. Бундай суд тадбиркорларга ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя килишга доир ҳуқуқий муаммоларни тез ва малакали ҳал қилишда кўмакчи бўлиши тайин. Шунингдек, ҳакамлик судлари ўзига рақобатчи бўлган хўжалик судларининг ўз ишлари савиясини оширишига, ишларни кўриш чоғида бюрократик тўсиқларни тугатишга уларни мажбур этади ва пировардида қабул қилинадиган суд қарорларининг сифатига ижобий таъсир этади, деб ўйлаймиз.

Дилбар АҲРАРОВА,
Ҳуқуқ муаммоларини ўрганиш Маркази мутахассиси

Фестиваль

ҲИНД КИНО САНЪАТИ КУНЛАРИ

Ўзбек ва ҳинд халқлари ўртасидаги ҳамкорлик қадим-қадимдан ривожланган. Савдо-иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳалардаги алоқалар эса мамлакатимиз мустақилликка эришгач янги босқичга кўтарилди. Буларнинг барчаси маънавий қадриятларимизнинг муштараклигидан, халқларимизнинг бир-бирига яқинлигидан далолат беради.

Санъат элларни бирлаштиради, деган ажойиб ҳикмат бор. Ўзбекларнинг ҳинд кино санъатига бўлган қизиқиши кучли. Маълум бўлишича, мамлакатимиз кинотеатрларида ўтган асрнинг 50-йилларида илк бор ўзбек томошабинларига ҳинд фильмлари тақдим этилган экан. Шундан бошлаб ҳинд халқининг ижод намуналари бизга қадрдон бўлиб қолди. «Сангам», «Жаноб — 420», «Бобби», «Дайди», «Филлар менинг дўстларим» каби кинофильмларни ҳали-ҳануз мириқиб томоша қиламиз, улардан маънавий озуқа оламиз.

Яқинда пойтахтимиздаги муҳташам Алишер Навоий номидаги кино саройида «Ўзбеккино» Миллий агентлиги ва Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган ҳинд кино санъати фестивалининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Кино байрамини ўзбек қизлари ҳиндча рақс билан бошлаб бердилар. Шундан сўнг, Лаъл Баҳодир Шастри номидаги Ҳиндистон маданияти маркази ўқитувчиси Илмас Ҳусаин Хон таблада ҳиндча қуйни маромига етказиб ижро этди.

— Мазкур фестивали ўтказишдан кўзланган асосий мақсад халқларимиз ўртасидаги маданий алоқаларни янада ривожлантириш, барча соҳаларда бўлгани каби кино санъати бўйича ҳам ижодий ҳамкорлик қилишдир, — деди «Ўзбеккино» Миллий агентлиги бош директори Аъзам Исҳоқов. — Ҳаммамизга яхши маълумки, ўзбеклар ҳинд фильмларини зўр иштиёқ билан томоша қилишади. Бунинг сабаби урф-одатларимизда, баъзи бир расм-русумларимизда ўхшашлик томонларининг кўплигидадир. Ўзбек ва ҳинд кино ижодкорлари томонидан суратга олинган «Алибобо ва қирқ қароқчи» бадиий фильми ўз даврида жуда катта шуҳрат қозонганди. Ушбу фильмни кўпчилик ҳозиргача севиб кўради. Яқин келажакда, албатта, Ҳиндистонда ҳам ўзбек кино санъати кунларини ўтказиш юзасидан мулоқот олиб борилмоқда. Бизнинг бу каби ҳамкорликларимиз бундан-да ривожланади.

— Тошкентга келишимдан олдин менга «Ўзбекистонда ҳинд фильмлари жуда оммабоп», деб айтишган эди, — деди Ҳиндистоннинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Сканд Ранджан Тайал. — Бу гапнинг айни ҳақиқатлигини юртингиздаги фаолиятим давомида билдим. Ҳар куни Ўзбекистон телеканалларида бизнинг бадиий фильмларимиз намойиш этилади. Уларни томоша қилиб, ўзимни худди Ҳиндистонда юргандек ҳис этаман.

Мамлакатингиз раҳбари билан илк бор учрашганимда шундай деган эдилар: Ўзбекистон ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги фикр юритишда, уларнинг дунёқарашида қандайдир ўхшашлик бор. Президент жаноблари ўшанда жуда ҳақ гапни айтгандилар, бу фикрга мен ҳам тўлиқ қўшиламан. Шахсан ўзим халқларимиз ўртасидаги бу яқинликни доим ҳис қилиб тураман.

Мана шу муҳташам кошонага минглаб ўзбекистонликлар тўпланишининг ўзи Ҳиндистонга, ҳинд халқига ва ниҳоят ҳинд кино санъатига бўлган эътибор ва меҳр-муҳаббатнинг юксак намунасидир. Тилагим халқларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари янада мустаҳкамланаверсин, шунингдек, бизнинг мамлакатимиз ва санъатимизга бўлган қизиқишингиз бундан-да ортаверсин.

Шундан сўнг, йиғилганларга ҳинд кино ижодкорларининг «Гарам масала» деб номланган бадиий фильм тақдим этилди.

— Биз ҳинд киноларини кўриб улғайганмиз, — дейди томошабинлардан бири Ўткир Қаюмов. — Кечагидек эсимда «Чангда қолган гул» киносига тушганимизда залдагилар кўзида ёш билан томоша қилишган эди. «Филлар менинг дўстларим» бадиий фильми эса ҳинд кино санъатининг дурдоналаридан бири ҳисобланади. Бугун намойиш этилган кино ҳам юксак маҳорат билан ишланибди.

Мамлакатимизда ҳинд кино санъати кунлари 30 апрелгача давом этади. Республикамизнинг барча кинотеатрларида «Боғбон», «Вир ва Зара», «Мен нега севиб қолдим?» каби 20 га яқин янги ва ўнлаб биз учун қадрдон бўлган ҳинд бадиий фильмлари намойиш этилади.

Маъмуржон МАҲМУД,
«Ўзбекистон овози» мухбири

АҚШ — ИРОҚ

АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфельд Боғдодга ташриф буюрди. У Ироққа янги бош вазир Жавад ал-Маликийга ҳукуматдаги зиддиятларни ҳал қилиш ва Вазирлар Маҳкамаси таркибини тузишга ёрдам кўрсатиш учун келган. Шу билан бирга Рамсфельднинг Ироқдаги вазиятни барқарорлаштириш борасидаги Америка режаларини ҳам баён этиши кутилмоқда.

Бундан бир неча кун олдин Ироқ президенти Жалол Талабоний 57 ёшли Жавад ал-Маликийга янги ҳукуматни бошқаришни таклиф қилганди.

Дунё ҳамжамияти Ироқ янги ҳукуматининг тезроқ шаклланиши рўй бераётган зиддиятлар ва ҳунрезликларга барҳам бериб, фуқаролар урушининг олдини олади деган умидда.

ИСРОИЛ

Исроил расмийларининг хабар беришича, мамлакат Эроннинг ядро борасидаги тадқиқотларини кузатувчи сунъий йўлдошини учирди.

Ярим метрдан кичикрок катталикда аниқ суратларни ерга юборишга қодир бўлган бу йўлдош бир неча кундан кейин фаолият кўрсата бошлайди.

Исроил мудофаа вазири Шауль Мофаз Эрон ядро дастури мамлакат учун катта хавф туғдираётганини айтиб ўтди. Эрон эса атом тадқиқотлари фақатгина тинчлик йўлида ишлатилишини таъкидламоқда.



МИСР

Мисрнинг Дахаб шаҳрида бир неча кун олдин бирданига содир этилган учта портлаш бўйича тергов ишлари давом этмоқда. «Ал-Аҳрам» газетасининг хавфсизлик кучлари маълумотига таяниб маълум қилишича, портлашларни уч нафар террорчи уюштирган. Уларнинг уччаласи ҳам ўзини портлатиб юборган.

Полиция тахминига кўра, террорчилар чармдан тикилган сумкада беркитилган портловчи мосламаларни ҳаракатга келтиришган.

Айни пайтда ДНК таҳлиллари асосида террорчилар шахсини аниқлаш ишлари олиб борилмоқда. Мисрнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари хабар беришича, ушбу террорчиликка алоқадорликда гумон қилинган 30га яқин одам ҳибсга олинган. Мамлакат ҳукумати Дахабдаги ҳунрезликлар ортида 2004 йилда Табада ва 2005 йилда Шарм аш-Шайхда портлашларни уюштирган шахслар турибди, деб ҳисобламоқда.

Миср президенти Ҳусни Муборак ҳунрезликлар оқибатида ҳалок бўлганлар оилаларига 10 минг доллардан, талафот кўрганларга эса 900 доллардан товон пули тўланишини айтди.

Расмий маълумотларга кўра, Дахабдаги террорчилик натижасида 23 киши ҳалок бўлди, 85 нафар одам жароҳатланган.

УКРАИНА

Кеча тунги соат 1дан 23 дақиқа ўтганида Украинанинг пойтахти Киевда бутун шаҳарга бонг урилди. Чунки айнан шу вақтда бундан 20 йил олдин Чернобиль атом электростанциясидаги фожиа ҳақида огоҳлантирувчи тизим ишлаб кетган.

Президент Виктор Ющченко бошчилигидаги юзлаб украиналиклар электростанция қурбонлари хотирасига қурилган черковда йиғилишди. Қурбонларни ёд этиш маросимлари Украинанинг бошқа шаҳарларида ҳам бўлиб ўтди.

— Чернобиль АЭСдаги фожиа ўтган асрнинг энг йирик техноген фалокатларидан бири бўлди. Унинг оғир оқибатлари нафақат бизнинг ҳудуд табиати ва одамларида, балки бутун дунёда аянчли акс-садоларини бермоқда, — деди Россия президенти Владимир Путин.

Белорусия президенти Александр Лукашенко Гомель областининг қишлоқларидан бирида бўлди. Украинанинг Могилев ва Гомель вилоятлари Чернобиль АЭСдаги фожиа туфайли энг кўп талофот кўрган ҳудудлар ҳисобланади.

1986 йилдан бошлаб «Чернобиль» сўзи Хиросима ва Нагасаки каби ядро фалокати синонимига айланди. Ўша йили фожиа юз берган жойдан 250 минг одам олиб чиқилган. 100 мингга яқин одам қурбон бўлган.

Ташкилот ва корхоналар диққатига!

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

4К-615 «Саловат қишлоғи 164-разъезди» автомобиль йўлининг 0-2,0 км.лари қисмини мукаммал таъмирлаш.

Иншоотнинг бошланғич нархи — 132965,6 минг сўм.

Қурилиш муддати — 90 кун.

Иншоотнинг қурилиш ишлари Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи: Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзили: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй. Тел.: 2-49-71.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун лицензия ва танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Ўзбекистон Республикаси «Даврахитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Термиз шаҳар, А.Темур кўчаси, 69-уй, Телефон/факс: (8-37622) 2-44-73, 2-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни очиш куни ва вақтигача савдо ташкилотчиси томонидан оферталар қабул қилинади.

Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:

Термиз шаҳар, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй.

Давлат Мулки Қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси

2006 йилнинг 30 май ва 2,6,9,13,16,20,23,27,30 июнь ҳамда 4,7,11,14,18,21,25,28 июль кунлари аукцион савдоларини ўтказади

Савдоларга қуйидаги объектлар қўйилади:

Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Юнус Ражабий кўчасида жойлашган, якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган, сатҳи 0,04 га. бўлган ер участкасига умрбод эгалик ҳуқуқи. ***Бошланғич нархи — 3 608 000 сўм.***

Тошкент шаҳар, Миробод тумани, «Госпитальный» мавзеси, 12-уйда жойлашган Тошкент Халқаро бизнес маркази «Реклама сервис» бўлимининг 1996 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10ТН 191 бўлган «Тико» русумли а/в. ***Бошланғич нархи — 2 800 000 сўм.***

Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10% миқдоридаги закалат пули «POYTAXT AUKSION» ДУК АТИБ «Ипотека-банки» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар. Аризаларни қабул қилиш автотранспорт воситаси учун савдодан бир соат аввал, ер участкаси учун савдодан уч кун аввал тўхтатилади.

Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароунноҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар: 133-23-40, 133-02-49.

Гувоҳнома № 000815

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ВА «KIMOSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI» ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2006 йил 1,8,15,22,29 июнь кунлари соат 11.00 да республика Кўчмас мулк биржасининг биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тошкент шаҳар, Уста Ширин кўчаси, 116-уйда жойлашган Тошкент «Компрессор» заводи очиқ акциядорлик жамиятига қарашли қуйидаги мулклар қўйилади:

1. Мол-мулк мажмуаси (алюминий қувурлар йиғиш участкаси, майдони 943.5 кв.м. бўлган тажриба станцияси, ёнилғи-мойлаш материаллари биносининг ёрдамчи хоналари, майдони 394.5 кв.м. бўлган темир омбор ва тарози айвончаси билан).

Бошланғич баҳоси — 106 573 000 сўм.

2. Қозонхона биноси ва асбоб-ускуналари.

Бошланғич баҳоси — 51 520 000 сўм.

3. Дам олиш оромгоҳи (Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, «Чорвоқ» сув омбори ҳудудида жойлашган).

Бошланғич баҳоси — 108 473 000 сўм.

Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пули тўлаши шарт..

Закалат пули «Kimoshdi savdolari agentligi»нинг Ўзбекистон Республикаси АТИБ «Ипотека-банк»нинг Тошкент шаҳар, С.Раҳимов бўлимидаги ҳисоб рақамига: 20208000004265383002, КОД-00901, СТИР 204563716 ўтказилади.

Қўшимча маълумотлар учун республика Кўчмас мулк биржаси ва «Kimoshdi savdolari agentligi»га мурожаат қилишингиз мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Қора-Қамиш 2/4 даҳаси, М.Ўрозбоев кўчаси, 1 «А»-уй, республика Кўчмас мулк биржаси биноси, 2-қават, 207-хона.

Маълумот учун телефонлар: 339-80-23-факс.

Спорт



«КИЧИК ОЛИМПИАДА»ГА КАТТА ҲОЗИРЛИК

Шу йилнинг 4-9 май кунлари Қарши шаҳрида умумтаълим мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари — 2006» республика спорт ўйинларининг финал босқичи бўлиб ўтади

«Кичик олимпиада» номини олган мазкур нуфузли мусобақада Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон ва барча вилоятлардан энг чаққон, энг эпчил ўғил-қизлар иштирок этади. Қарийб бир ҳафта давом этадиган «Умид ниҳоллари — 2006» қатнашчилари спортнинг кураш, футбол, баскетбол, волейбол, белбоғли кураш, енгил атлетика, сузиш, қўл тўпи, шоҳмат, стол тенниси, бадиий ва спорт гимнастикаси турлари бўйича ғолиблик учун баҳс юритадилар.



Катта спорт байрами арафасида Қаршида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Мусобақалар уюштирилиши мўлжалланган иншоотларда эса сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, янги қуриб фойдаланишга топширилган Қарши Олимпия захиралари коллежи спорт саройи, «Насаф» ва «Динамо» стадионлари, Қарши Давлат университети қошидаги 2-академик лицей спорт мажмуаларида тайёргарлик юмушлари ўз ниҳоясига етказилаётир.

Айниқса, спорт ўйинларининг очилиш ва ёпилиш тантаналари бўлиб ўтадиган янги «Марказий» стадионда иш қизғин. «Samarkand Prover Univer Stile» корхонаси тайёрлаган лойиҳа асосида барпо этилган мазкур стадион ўз бағрига йигирма минг томошабинни сиғдира олади. Мажмуани бош пудратчи — «Қашқадарёнефтгазсаноатқурилиш» очиқ акциядорлик жамияти вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Инжиниринг компанияси буюртмаси бўйича қурди. Лойиҳа қиймати — 6 миллиард 816 миллион сўм. Ушбу мажмуанинг умумий ҳудуди 13 гектар майдонни ташкил этади. Бу ерда асосий яшил майдондан ташқари яна саккизта футбол майдончаси бунёд этилган. Бу эса футболчиларга машғулотлар ўтказишда қулайликлар туғдиради. Шунингдек, спорт мажмуида меҳмонхона, 8 та спорт зали, мажлислар зали, алоҳида қаҳвахона ва ошхоналар мавжуд. Стадионда ҳакамлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари учун ҳам қулайликлар яратилган. Яшил майдонга махсус дренажлар ўрнатилган бўлиб, ёғин-сочинли кунларда сув тўпланиб қолмайди. Футбол майдонининг доимо кўм-кўк бўлишини таъминлаш мақсадида хориждан махсус майса уруғи келтирилиб, ундириб олинган. Югуриш йўлакчаларига Германиядан келтирилган махсус полиэтилен тўшамалар ётқизилди. Айни чоғда бу йирик иншоотда сўнгги пардозлаш ишлари амалга оширилмоқда.

— Вилоят ҳокимлиги ҳузурида мусобақаларни ўтказиш бўйича штаб фаолияти йўлга қўйилган, — дейди Қашқадарё вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Усмон Нусуров. — Унда барча ташкилий масалаларни ўз ичига қамраб олган 16 гуруҳ иш олиб бормоқда. Ҳар бир гуруҳга аниқ ва муайян вазифалар белгилаб берилган. Шунингдек, «Умид ниҳоллари — 2006» спорт ўйинлари тафсилотларини ўзида акс эттирувчи веб-сайт — www.umidnihollari.uz яратилди. Мусобақа қатнашчилари ва меҳмонлари учун 11 та турар-жой маскани ҳозирлаб қўйилди.

Эркин ХОЛБОБО

Суратларда: *мусобақалар уюштириладиган спорт иншоотларидан лавҳалар.*

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

БЕКХЭМ ҚИЁФАСИНИ ЎЗГАРТИРМОҚЧИ

Футбол бўйича жаҳон чемпионати бошланишига бир ойдан ошиқроқ вақт қолганда моҳир ўйинчилар майдонга қандай қиёфада тушиш ҳақида қайғура бошладилар. Айниқса, сартарошларнинг бу борадаги маслаҳатлари кўпчиликни қизиқтирмоқда. Мухлислар эса Англия терма жамоасининг сардори Дэвид Бекхэм сочларига қандай шакл бериши ҳақида ўйламоқдалар. Чунки, у йирик мусобақаларга, албатта, ўзгача қиёфада келишга одатланган. Англиядаги машҳур идоралардан бири ҳисобланган «William Hill» ходимларининг фикрларига қараганда, Бекхэм англиялик футболчиларнинг Парагвай терма жамоасига қарши ўтказадиган дастлабки учрашувида сочи қирилган ҳолда майдонга тушиши мумкин экан. Ёки сочларини панк услубида олдириш, узун сочини орқага ташлаб қўйиш ҳолатини ҳам кутиш мумкин. Баъзи хабарларга кўра, Бекхэм пешонасидаги тароқ билан майдонга тушармиш. Албатта, бу ёғини эса вақт кўрсатади.

ЖАНГ МУДДАТИ АНИҚЛАНДИ

WBC йўналиши бўйича жаҳон чемпиони номи учун россиялик оғир вазнли боксчи Олег Маскаев билан Ҳасим Раҳмон ўртасидаги жангни шу йилнинг 12 августида уюштириш кўзда тутилмоқда. Бу ҳақда америкалик таниқли иш юритувчи Боб Арум ахборот берган. Раҳмон бу жангда ғалаба қозонгудек бўлса, навбатдаги учрашувни украиналик Владимир Кличко билан ўтказиши кутилаётгани ҳақида гаплар тарқалган. Айни пайтда Владимир жаҳон чемпионлигига даъвогар нигериялик Сэмюэль Питер билан реванш жанги ўтказиши ҳам мумкин. Раҳмон билан Маскаев учрашувининг қаерда бўлиши ҳақида аниқ маълумот йўқ. Балки, бу жанг АҚШда бўлиши мумкин.

Эслатамиз, 1999 йилнинг ноябрида Маскаев Раҳмонни нокаутга учратиб, ғалаба қозонган.

Тошкент юридик коллежи жамоаси билим юрти ўқитувчиси Жамшид Насруллаевга падари бузруквори **АБДУРАИМ ота**нинг вафот этгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«МАШЪАЛ» — «АЛ-ҲИЛОЛ» — 2:1

Кеча Осиё чемпионлар лигасининг навбатдаги тур учрашувлари бўлиб ўтди. Мусобақа дебютанти Муборакнинг «Машъал» футболчилари ўз майдонида Саудия Арабистони чемпиони — «Ал-Ҳилол» жамоасини қабул қилди. Ушбу ўйинда 2:1 ҳисоби қайд этилди. Тўпларни ҳамюртларимиздан Ботир Қораев ҳамда Зафар Холмуродовлар киритди.

Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси эса сафарда Эроннинг «Фулад» футболчилари меҳмони бўлди. Бу учрашувда пахтакорчилар 3:1 ҳисобида ғалаба қозонишди. Тўпларни Ринат Байрамов, Владислав Кирьян, Зайниддин Тожиев киритди.

КИКБОКСИНГ ЮЛДУЗЛАРИ ЮРТИМИЗДА

Эртага пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида кикбоксинг бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати бошланади

Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, кейинги йилларда Ўзбекистон халқаро мусобақалар марказига айланиб бормоқда. Пойтахтимизда яқиндагина оғир атлетика бўйича Осиё кубоги баҳслари уюштирилганди. Мусобақа тафсилотларию таассуротлари ҳали дилларни тарк этиб улгурмасдан Тошкент яна бир йирик турнирга қучоқ очмоқда. Бу 28-30 апрель кунлари пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида кикбоксинг бўйича бўладиган навбатдаги жаҳон чемпионатидир.

— Ёдингизда бўлса, ўтган йили пойтахтимизда кикбоксинг бўйича Осиё очиқ чемпионати зўр муваффақият билан ўтказилганди, — дейди Ўзбекистон Кикбоксинг федерацияси президенти Сардор Тошхўжаев. — Дунёнинг ўн бешдан ортиқ давлатидан спортчилар иштирок этган мазкур мусобақани нафақат ишқибозлар, балки Бутунжаҳон Кикбоксинг федерацияси (WKF) мутахассислари ҳам диққат билан кузатиб боришди. Савия жиҳатидан WKF президенти Муҳаммад Манучэрининг алоҳида эътирофига сазовор бўлган Осиё очиқ чемпионати пойтахтимизнинг янада нуфузли мусобақага мезбонлик қилишига асос бўлганди.

Юртимизда илк маротаба ўтказилаётган жаҳон чемпионатида дунёнинг қирқдан зиёд мамлакати кикбоксингчилари қатнашиш истагини билдирган. Россия, Греция, Қозоғистон, Украина, Ҳиндистон, Сьерра-Леоне, Эрон, Покистон, Канада сингари давлатлардан ташриф буюраётган спортчилар кикбоксинг Low kick, тай бокс, full contact, light contact, semi contact йўналишлари бўйича рингга чиқадилар. Уч кун давом этадиган мусобақада юқоридаги беш йўналиш бўйича ўн бир вазн тоифасида ғолиб ва совриндорлар номи аниқланади.

Жаҳон чемпионатида Аҳмад Олимбеков, Темур Муҳаммаджонов, Маматқул Тўхтамишев, Алишер Абдуллаев, Дилноза Арзиматова сингари моҳир спортчилар Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишади. Шу кунгача Олмалиқ, Андижон шаҳарларида уюштирилган мусобақалар, Ҳиндистонда ўтказилган халқаро турнир вакилларимиз учун чемпионат олдидан муҳим тайёргарлик вазифасини ўтади.

Мулоҳаза

БОР БЎЛСИН, ЯХШИЛАР!

Қайсидир куни дорихонага борган эдим, қизиқ суҳбатни устидан чиқдим. Бир отахон сотувчига «дорини арзонроққа беринг, мен савобталаб одамман. Маҳалламиздаги 80 ёшли бир кампир илтимос қилганди шунга ўз ёнимдан олиб бермоқчиман» деб қолди.

— Йўқ отахон, арзонга беролмайман. Бизларнинг ҳам хўжайинимиз бор, — деб жавоб берди сотувчи.

— Ахир одамлар, мактаб қуряпти, кўприк соляпти, етимесирлар ҳолидан хабар оляпти, йўқ демай қўя қол энди, савоб бўлар, — дея ялинди.

— Қураётган бўлса қураётгандир, иложи йўқ, хўжайин уришади, боринг, бошқа аптекага! — деди.

— Мен бир кекса одам бўлсам, энди аптекама-аптека сарсон бўлиб юраманми? Қани ўша бошлиғингни чақир-чи, — деди отахон.

— У киши Чилонзордаги «офис»да ўтирадилар. Мана ёнимиздаги кўчадан троллейбус юради, ўшанга ўтириб боринг.

— Унда телефонини бер. Қўнғироқ қиламан. Инсофи бордир арзонроққа берар, — деб оёғини тираб олди отахон.

— Телефонлари йўқ. Боринг, бошқа аптекага боринг, дедикку.

Бу воқеани кузатиб турган бир неча аёл гапга қўшилишди.

— Бошлиқнинг телефонини беринг қутуласиз, — дейишди улар. Хуллас отахон телефонда бошлиққа тушинтира бошлади...

— Отахон гўшакни қўйинг, — деди воқеани кузатиб турган бир йигит. — Қанча пулингиз етмаяпти?

— Дори 2400 сўм экан. Менда 2 минг сўм бор холос. Шунга бергин, десам кўнишмаяпти булар.

— Мана буни олинг, — отахон дея пул узатди ҳалиги йигит. Буни кўрган бошқалар ҳам қария қўлига пул тутқаза бошлашди.

— Кўрдингми қизим, дунёда яхши одамлар ҳам кўп, — юзланди отахон сотувчига. — Мана пул, ортиқчаси ҳам сенга...

Бу воқеанинг гувоҳи бўлиб ўзимча мулоҳаза қилдим. Тўғри, бозор иқтисодиёти, савдо-сотиқнинг ўз қоидаси бор. Пули етмаган ҳар одамга маҳсулотни бериб юбораверишнинг ҳам тўғри бўлмайди. Аммо, бундай ҳолатлар онда-сонда учрайдику... Буни тушиниш учун одамнинг қалбида яхшилик яшаши керак, деб ўйлайман.

Юнус ЗИЁДОВ

Вилоят, шаҳар, туманлар ҳокимликлари, вилоят ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, вилоят қишлоқ хўжалиги, банк, солиқ, молия, саноат муассасалари, фермер хўжаликлари, қўшма ва хусусий корхоналар ҳамда халқ хўжалигининг бошқа тармоқларига қарашли корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ РЕКТОРАТИ

2005 — 2006 ўқув йилида институтни битираётган бакалаврлар ва магистрларни йўлланмалар асосида ишга тақсимлашга киришмоқда. Институтимизда таълим олган бакалаврлар ва магистрлар билимли, маърифатли ва замонавий технологиялар билан таниш бўлиб, халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлаш малакасига ва тажрибасига эга бўлган мутахассисларидир. Мутахассисларга эҳтиёжи бўлган муассасалар раҳбарлари талабнома ва сўров хатлари билан институтимизга жорий йилнинг 30 май кунига қадар мурожаат этишлари мумкин.

Сизнинг эътиборингизга таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича статистик маълумотларни ҳавола қиламиз.

Маълумот учун телефонлар: 224-17-48, 221-09-23, 23-19-91 (2-45).

Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтининг кундузги бўлимини 2005-2006 ўқув йилида битираётган бакалаврларнинг шаҳар ва туманлар бўйича тақсимланиши.

№	Шаҳар ва туманлар	Таълим йўналишлари ва таълим турлари																																		
		Иқтисодиёт		Менежмент		Бухгалтерия ҳисоботи ва аудит		Агроинженерия		Сув хўжалиги ва мелиорация		Ер тузиш ва ер кадастри		Ўсимликларни ҳимоя қилиш		Агрономия		Технология		Фермер хўжалигини бошқариш		Атроф-муҳит муҳофазаси		Нефть ва газ иши		Иссиқлик энергетикаси		Электр энергетикаси		Касб таълими (ЭЭ)		Касб таълими (АИ)		Жами битирувчилар
		бюд.	конт.	бюд.	конт.	бюд.	конт.	бюд.	конт.	бюд.	конт.	бюд.	конт.	бюд.	конт.	бюд.	конт.	бюд.	конт.	бюд.	конт.	бюд.	конт.	бюд.	конт.	бюд.	конт.	бюд.	конт.	бюд.	конт.	бюд.	конт.	бюд.	конт.	
1.	Қарши шаҳри	3	7	3	4	4	2	6	4	4	1	1	—	—	—	1	1	6	2	—	—	2	2	9	16	8	—	8	7	2	—	1	—	1	—	104
2.	Қарши тумани	—	—	3			1	2	1	4	1	—	—	—	—	4	2	3	1	—	1	—	2	8	—	1	—	—	—	1	1	2	1	39
3.	Косон тумани	2	2	—	1		2	4	2	2	—	1	—	2	—	2	2	2	3	2	—	3	—	5	6	—	1	—	—		1	1	3	49
4.	Касби тумани	2	3	—	2	1	2	3	—	—	—		1	1	—	3	2	1	3	—	—	—	—	2	3	—	—	2	2	1	2	1	—	37
5.	Миришкор тумани	—	—	—	1	—	—	—	1	—	—	—	—	—	—	—	—	—	1	—	—	1	—	—	1	1	—	—	—		—	1	—	7
6.	Мубарак тумани	—	1	1		—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	1	—	—	2	1	3	—	4	—	—	1	—	1	—	15
7.	Нишон тумани	—	—	—	—	—	3		1	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	2	—	—	—	1	5	3	1	3	2		—	1	—	22
8.	Ғузор тумани	2	—	—	2	—	—	2	1	1	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	1	—	3	10	2	—	3	1		1	1	2	32
9.	Деҳқонобод тумани	—	—	—	1	—	—	4	—	—	—	1	—	—	—	1	1	—	—	—	—	—	—	3	6	3	—	3	2	—	—	1	—	26
10.	Қамаши тумани	—	2	—	1	1	—	4	1	1	1	2	1	1	—	—	—	—	—	1	1	2	—	1	6	1	—	4	—	2	2	2	2	39
11.	Яккабоғ тумани	2	1	—	—	—	—	1	—	2	—	2	—	—	—	—	—	—	—	—	—	1	—	1	2	1	—	—	—	—	—	1	—	14
12.	Чироқчи тумани	—	—	1	—	2	5	2	2	1	—	1	1	—	—	1	—	1	—	—	—	1	—	4	5	1	—	3	—	1	—		—	32
13.	Шаҳрисабз тумани	—	1	—	—	1	1		—	1	—	—	—	1	—	—	1	1	—	—	—	—	—	1	—	1	—	—	—	1	1	2	—	13
14.	Китоб тумани	—	2	—	1	1	—	1	—	—	—	—	—	—	—	—	—	1	—	1	—	—	—	2	2	—	—	—	—	—	—	1	—	12
15.	Сурхондарё вилояти	—	—	—	1	1	—	—	1	1	—	—	—			1			2					2	2									11
16.	Самарқанд вилояти	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—									1												1
17.	Бухоро вилояти	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—			1									1									2
18.	Навоий вилояти	—	1	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—																					1
19.	Хоразм вилояти	—	—	1	—	—	—	—	—	—	—	—	—																					1
	Жами:	11	20	9	14	11	16	29	14	17	3	8	3	5	—	14	9	15	12	7	2	12	6	43	68	22	6	26	14	9	8	16	8	457

Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтининг кундузги бўлимини 2005 — 2006 ўқув йилида битираётган магистрларнинг шаҳар ва туманлар бўйича тақсимланиши.

№	Шаҳар ва туманлар	Мутахассисликлар ва таълим турлари								
		Тармоқлар иқтисодиёти (қишлоқ хўжалиги)		Касб-ҳунар фанларини ўқитиш методикаси (иқтисодиёт)		Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини механизациялаштириш		Нефть ва газ конларини ишга тушириш, улардан фойдаланиш		Жами битирувчилар сони
		бюджет	*контракт*	*бюджет*	*контракт*	*бюджет*	*контракт*	*бюджет*	*контракт*	
1.	Қарши шаҳри	2	2	1	—	1	1	—	4	11
2.	Қарши тумани	—	1	—	—	—	—	—	—	1
3.	Косон тумани	—	—	—	—	—	—	—	1	1
4.	Чироқчи тумани	—	—	—	1	—	—	—	—	1
5.	Ғузор тумани	—	—	—		—	—	1	2	3
6.	Миришкор тумани	—	—	—	1	—	—	—	—	1
7.	Деҳқонобод тумани	—	—	—	1	—	—	—	—	1
8.	Самарқанд вилояти	—	—	—	—	—	1	—	—	1
	Жами:	2	3	1	3	1	2	1	7	20

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Norbobo SHAKAROV
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Guliston da — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: **Erkin XOLBOBOYEV**

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: **Ikromjon ISMOILOV**

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 650
11276 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
O`zA yakuni — 20.45
Topshirish vaqti — 22.30
1 2 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda